

Одамларни осиш учун дор куришга хазинадан пул ажратишнинг кераги йўқ — дея таъкидлади 1908 йилнинг ёзида Петербургдан ташриф буюрган алоҳида жандармлар корпуси кўмондони, генерал майор, барон Тоубе — Зоро, Туркистондаги хар бир кайрагоч дор ўрнини бажаради.

Жосуслик ишлари бўйича Чор Русиясидан энг ваколатли кишининг ўлкага келиб, Туркистондаги чоризм махфий полицияси Туркистон район муҳофаза бўлими ишини таҳлил килганидан кейин айтган бу сўзлари дастуриламал вазифасини ўттай бошлади. Зоро, Туркистонда ушбу жосуслик махкамасининг ташкил этилганига ўшанда эндиғина бир йил бўлган эди.

1909 йилга келиб, Петербург ва Москвада бошланган сиёсий харакатлар мустамлака ўлкаларда хам авж олиб, чор Русиясининг бир бутунлиги ва хавфсизлигига катта зарар етказадигандек туюлганди. Колаверса, туркий мусулмон халкларда авж олиб кетган жадидчилик харакати миллий озодлик гоясини пинхона бўлса-да, тарғиб этаётганди. Шулардан келиб чикиб, Петербургдаги бош штаб генерал майори Гескет 1907 йили Туркистонда жандарм бошкармаси охранкани ташкил этиш масаласини император олдига долзарб вазифа килиб кўяди. Бу таклифни Туркистон генерал губернатори НЛ.Гродеков хам кўллаб кувватлагач, император ахволни таҳлил килиш учун сенатор, граф К. Палень бошчилигидаги комиссияни ўлкага жўнатди.

Бир ойча Туркистонда бўлиб вазият билан танишган комиссия, ўлкадаги сиёсий галаёнлар улуг Русиянинг бир бутунлигига дахл солиб, давлат ахамиятига молик хавф-хатар, бу ерликлар хотирасидан беиз кетмай, аста-секин томадиган захар, мисоли улар онгини бузиб, рус хукумати кудратига, кўр-кўrona ишонч ва руҳий осойишталикларига раҳна солиши мумкин», дея хулоса чикарди хамда бунинг олдини олиш учун Гескет ва Гродековнинг таклифи—Туркистонда охранкани ташкил этиш ташабуссини маъкуллади. Ана шундан сўнг император Николай Романов фармонига кўра, 1907 йилнинг нояброда махфий жосуслик тармоги асосида бевосита Петербургга бўйсунадиган махфий сиёсий полиция ташкил этилиб, у Туркистон район муҳофаза бўлими деб номланди.

Ушбу жосуслик махкамасининг бош максади ўлкадаги эркин фикрловчи кучларни, жадидларни ва уларга хайриҳоҳларни аниклаш, улар сафига иғвогарларни юбориш оркали бўлиб юбориш, турли элат ва халклар, миллатлар ўртасида низо-нифокни кучайтириб бориш, озодлик харакатларининг барча турларини аниклаб, унинг истикболига йўл кўймаслик, руслаштириш сиёсатига карши бўлганларни пинхона йўллар билан йўқ килиб туриш эди. Охранка бошлиги килиб Петербургдан келган Леонид Квицинский ва махсус бўлим бошлиги этиб подполковник Васьилев тайинланди.

Уларнинг хар иккаласи хам сиёсий иғвогарликлар устаси, мохир айгокчи, сезгир инсон сифатида катта тажрибага эга зобитлар бўлган.

Император фармонига кўра, охранка бошлиги буйругига Туркистон генерал губернаторлигига карашли Сирдарё, Фаргона, Самарканд, Еттисув, Каспийорти вилоятлари маъмурлари шахсан бўйсунар, улар сўровномасига киска муддат ичидаги жавоб кайташлари шарт эди. Агар охранка ходими тинтувга келган пайтида иккакида ичидаги эшик очилмаса, уни бузиб кириш хукуки хам берилганди. Ана шундай катта ваколатларга эга махкама киска муддат ичидаги ўргимчак уяси каби айгокчилик ва аксилийгокчилик тармогини кенг ёя бошлаганди.

Жосуслик махкамаси

Муаллиф:
26.02.2014 20:22 -

Махкаманинг дастлабки килган иши барча вилоятлар ва уларга карашли уездларга сўровномалар юбориб, махаллий халкнинг кайфиятини, фикрлаш даражасини ўрганиш бўйича маълумотлар тўплаш бўлди. Губернатор ва уезд бошликлари охранкага 19 та савол бўйича киска муддат ичидан жавоб беришга мажбур этилди. Шу билан бирга, махкаманинг килган асосий ишларидан бири жадидлар, уларнинг хайрихохларини аниклаш, улар гояси асосида чикаётган газеталарни назорат килиш ва иложини топиб ёпиш, уларни маблаг билан таъминловчи бойларни таъкиб килиш, Туркия ва ислом давлатлари билан алокаларини ўрганиш эди.

Охранка бошликлари бўлмиш А. Квицинский ва Н. Васильевнинг килган бир йиллик амалий ишлари натижасида 1908 йилнинг ноябрига келиб, Скоблевда 300, Тошкент турмасида 900 нафар сиёсий махбус сакланарди. Самарканд турмасида эса махбуслар кўплигию, шароит ёмонлигидан юкумли касалликлар таркалди. Энг фаол табака деб карапган Темирийўл ишчиларидан 400 таси сиёсий ишончсиз, дея ишдан бўшатилган бўлса, 700 нафари «кора рўйхат» га тушганди.

Шу тарзда ишлаган жосуслик махкамаси ўша пайтдаги тараккийпарвар аждодларимиз баҳтига 1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши, 1916 йилдаги озодлик харакатлари, 1917 йилги агдар тўнтарлар сабабли бутунлай бархам топди ва тарих каъридан жой олди.

Умид Бекмуҳаммад